

ГЕНДЕР ТАЪЛИМ – САМАРАДАОРЛИК ОМИЛИ СИФАТИДА

**Муминова З.**

*ЖДПУ ўқитувчиси*

**Бозорбоева Х.Ш**

*Мактабгача таълим йўналиши талабаси*

**Аннотация:** Таълим инсон салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий омилидир. Инсонга инъом этилган мавжуд имкониятларни тўлиқлигича рўёбга чиқариш таълим тизимига маълум ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Ихтисослатирилган ва ижод мактаблари шу мақсадда ташкил этилган. Ушбу мақола таълимни гендер ёндашув асосида ташкил этиш масаласига бағишланган. Ўғил ва қиз болаларнинг рухий-физиологик ривожланишларини эътиборга олган ҳолда маълум фанлардан алоҳида ўқитиш имкониятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** гендер, салоҳият, тизим, ўзгариш, ёндашув, физиологик ўсиш, рухий олам, уят, тортиниш, эътибор, эътироф.

**Аннотация:** Образование является основным фактором развитие человеческой способности. Раскрыть всевозможных способностей школьников есть необходимость изменить содержание и форму образования. С этой целью открылись специализированные и творческие школы. В данной статье поднимается вопрос гендерное образование как фактор повышение качества и уровня образования. При этом необходимо учесть психолого-физиологического развитие школьников мальчиков и девочек.

**Ключевые слова:** пол, потенциал, система, изменение, подход, физиологический рост, ментальный мир, стыд, влечение, внимание, признание.

Education is the main factor in the development of human ability. To reveal all possible abilities of schoolchildren there is a need to change the content and form of education. For this purpose, specialized and creative schools have been opened. This article raises the issue of gender education as a factor in improving the quality and level of education. In this case, it is necessary to take into account the psychological and physiological development of schoolchildren, boys and girls

Key words: gender, potential, system, change, approach, physiological growth, mental world, shame, attraction, attention, recognition.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш, мантиқий фикрлаш жараёнини жадаллаштириш бугунги кун таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шу мақсадда мамлакатимизда ихтисослашган мактаблар, ижод мактаблари ва Президент мактаблари кенг кўламда ташкил этилмоқда. Мазкур мактабларга ўқувчиларнинг моиллиги ва шу соҳа бўйича билим даражалари асосий мезон қилиб олинган, имтихон-синовлар орқали ўқувчилар саралаб олинади. Бу иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг мавжуд салоҳиятларини тўғри ривожлантиришига хизмат қилади. Инсон салоҳиятини ривожлантириш ва мавжуд имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун унинг психологик, физиологик хусусиятларини инобатга олиш зарурияти кун тартибига кўтарилмоқдаки, ундан унумли фойдаланиш ҳамда тўғри йўналтириш бугунги дидактиканинг асосий фазифалари сирасига кириши керак.

Мактаб даврида ўғил ва қиз болаларнинг ривожланиши, рухий олами ва физиологик ўсиши турлича кечади. Бу ўзгариш ва ўзига хосликларни инобатга олиш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга ҳар иккала жинс вакиллариининг ўзларини тўлақонли намоён этишларига замин яратади .

Дастлаб, болалар боғчасиданоқ ўғил болалар ва қиз болалар турли ўйинларни ўйнайди, бошқача фикрлайди. Мактабда эса, улар учун талаблар бир хил бўлади.

Ўғил ва қиз болаларнинг турлича рухий ҳамда физиологик ривожланишларини инобатга олиб, илғор хориж тажрибалари асосида гендер таълимни амалга жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Болалик давримиз ва ўқувчилик йилларимиз хотираси ҳамда илмий адабиётлар таҳлили ўғил-қизлардаги қуйидаги фарқларни аниқлашимизга

асос бўлаолади.

Ўғилболалар:

- Ота-оналар ҳам, олимлар ҳам – эрта ёшдаги ўғил болалар, ўзлари билан тенгдош бўлган қиз болалардан 2-3 йилга ақлий ва жисмоний жиҳатдан ортда қолишларини яхши билишади: уларнинг чап ярим шарлари секинроқ ўсади. Шунинг учун мактаблардаги таълим тизими қизларга қаратилган. “Доска”га чиқиб жавоб бераётганинда устингдан кулишса, уят ва шармандалик. Мана шундай тарзда омадсиз шахс комплекси ривожланиб боради ҳамда ўз тенгқурлари ва катталарга нисбатан тажовузкорлик пайдо бўлади;

- Турли хавф-хатарларга интилиш, ирода ва руҳиятни синаш, биринчи бўлишни хоҳлаш, қаҳрамон бўлиш, мустақил қарор қабул қилиш – бу ўғил болалар табиатига хосдир. Агарда улар тайёр қарорларни такрорлашга ва тинчгина ўтиришга мажбурланса, ҳақиқий эркак кишиларни қандай қилиб тайёрлаш мумкин?

- Ўғил болалар ўзлари билим излаб топишга интилади. Улар вазифани босқичма-босқич бажармай, балки ўзлари ўйлаб кўришга ва бажаришга ҳаракат қилишади, улар ўқитувчининг сўзларидан қондани ўзлари чиқариб олишни истайдилар. Шунинг учун, ҳар бир вазифа – бу, бутун бошли саргузашт. Уларнинг англаши кўпроқ мантиқийлик, образли, ҳиссий бўлади. Ўғил болага муаммоли характерга эга масалалар ёқади ва у биринчилардан бўлиб жавоб бериш учун фаол равишда ечим топишга киришиб кетади; Ўғил болалар синфларида ўзларининг етакчилик хусусиятларини ишга соладилар;

- Қиз болаларнинг йўқлигида, ўғил болалар ўз фикрларини айтишдан уялишмайди, ҳатто, фикрлари умумий қабул қилинган фикрларга зид бўлса-да, уни ифода этишлари мумкин.

-Доимий шовқин ва шов-шувлар меъёрадагидай бўлса-да, ўғил болалар бундай синфларда кам тажовузга мойил бўладилар.

- Қиз бола бор пайтда, ҳар бир ўғил бола ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу ердаги ҳолатда эса ҳар ким тенг ва боланинг ўзини кўрсатиш ҳаракати етакчилик фазилатларини ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин.

- Ўғил болалар ўз кадрларини билиб, шунга муносиб равишда ўзларини тутадилар. Агар ўғил болалар синфига янги бола келиб қўшилса у илгариги қандай бўлишидан қатъий назар, ўғил болаларнинг ўзлари уни тезда қайта тарбиялаб қўйишар экан.

- Ўғил болалар алоҳида синфларда олифтагарчилигини намойиш этишлари учун ҳеч ким топилмаганидан кейин, ўқитувчи билан бекорга тортишишдан маъно йўқ.

**Қиз болалар:**

- Қизлар мулоқотда уятчан ва ўрганишда астойдил ҳаракат қилишади. Улар учун тафсилотлар ва жараённинг ўзи муҳим. Гарчи улар стандарт топшириқларни яхши ўзлаштиришса-да, улар берилган алгоритмни осонлик билан ечишса-да, шунингдек, кўпроқ вазифаларни бажаришга улгуришса-да, улар ўғил болалардан уялиб туришади ва баъзида шундай вазиятларда синф бўш хонага ўхшаб қолади;

- Ўғил болалар бўлмаганда, қизлар кўпроқ ўзларини эркин ва қулай ҳис қиладилар, қўлларини кўтариб жавоб беришдан тортинишмайди, хатолар қилишдан чўчишмайди, бир-бирларига мамнуният билан кўмаклашади ва ҳеч қандай масхара қилиншдан қўрқмайдилар;

- Қизлар «жамоавий» шаклда вазифаларни ечиш тарафдорилар;

- Қизлар зудлик билан ўзаро ролларни тақсимлашади, бир-бирлари билан кўп маслаҳатлашишади ва биргаликда ечим топишади. Индивидуал топшириқларда улар тўғри жавобни билсалар ҳам, ўзлари иккиланиб ҳаракат қилишади;

- Қиз болаларни гарчи хатолари бўлишига қарамай, мақташ кераклигини, акс ҳолда ўз қобилларига ўраниб олишлари ва кейинги сафар жавоб беришдан қўрқиши мумкин. Ўғил болалар бундай ёндашувни тушунишмайди.

- Алоҳида синфларида қизлар осонроқ мулоқот қилишади; Умумийлик:

- Гендер синфларда ўғил ва қизлар алоҳида таълим олишади, лекин тарбия аралаш – фақат дарслар давомида алоҳида-алоҳида бўлишади. Вақтнинг қолган қисмида: дам олиш вақтида, жисмоний тарбия пайтида, ошхонада, экскурсияларда ва дарсдан ташқари тадбирларда болалар бир-бири билан мулоқот қилишади.

- Психологлар кузатишлари, соҳа ходимлари ва шахсий кузатишлар шу нарсдан далолат бермоқдаки, агар ўқувчилар ўртасида қарама-қарши жинс вакиллари бўлса, ҳар қандай ўғил ёки қиз, ҳатто, онгсиз равишда бир-бирида қандайдир таассурот қолдиришга ҳаракат қилишади ва дарсдан чалғишади, диққат концентрацияси камаяди.

- Алоҳида синфларда болаларнинг соғлиғи яхши ва ўзлари кўркам улғайиши болалар шифокорлари тамонидан аниқланган (ўғил болалар букчаймаган, болаларда касалликка моиллик паст).

- Аралаш синфларда, биринчи олти ойда болалар вазн йўқотишади – бу ҳаяжон (стресс) ва мослашиш натижасидир. Бундай ҳолат алоҳида синфларда содир бўлмайди.

- Алоҳида синфлардаги аълочи ўқувчилар сони сезиларли даражада ўсди.

Таниқли Россиялик олим В.Ф.Базарний бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаган: «Қиз ва ўғил болалар қизиқадиган нарсалар бир-биридан фарқли бўлади. Мен уларга бир хил ҳикояни ўқиб бераман, лекин қизлар бошқа бир образлар, тасаввурлар, ҳис-туйғуларидан таъсирланишса, ўғил болаларда бутунлай бошқача бўлади. Ўқитувчи

аралаш синфларда бирдай қизиқтира олмайди, шунинг учун мажбурлашига, эзишига тўғри келади. Назоратда ушлаб туриш учун итоаткорлик, интизом ва икки баҳо қўйиш билан жазолашни бошқарув воситаси қилиб олади. Афсуски, барча мактаблар мана шу тамойилнинг устига қурилади. Ўқувчиларни ажратиб ўқитишдан олдин аълочилар тахминан 3 фоизни ташкил этган бўлса, ажратиб ўқитиш бошлангандан сўнг аъло баҳоларга ўзлаштириш кўрсаткичи 8-10 мартага ошди. » (қизлар таълим сифати кўрсаткичи 74%, ўғил болаларда сифат 67% ни ташкил этганлиги хақида маълумотлар мавжуд). Шу сабабларга кўра ҳам гендер синфлари ташкил этилади, унда болалар бир хил ўқув дастурларини ўзлаштирадилар. Бироқ, амалиёт шунини кўрсатадики, алоҳида ажратиб ўқитиш орқали болалар билимларни янада самарали ўзлаштирар экан.

Айтиш мумкинки, ўқувчиларни маълум бир фанларда ажратиб ўқитиш, синфларни гендерлаштириш таълим сифатини ошириши билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук шахс бўлиб етишишига, ўз имкониятлари ва қобилиятларини тўлиқроқ намоён этишларига шароит яратади. Зеро инсон салоҳиятини ривожлантириш, ҳар бир ўқувчининг бетақрорлигини тан олиб унинг тўлақонли ўзини намоён этишига муносиб шароит яратиш таълим тизими олдидаги кечиктириб бўлмас вазифадир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Градусова, Л.В. Гендерная педагогика : учебное пособие / Л.В. Градусова. – 2-е изд., стер. – Москва : ФЛИНТА, 2016.

2. Здоровье и развитие ребёнка: экспресс контроль в школе и дома. — М.: «Аркти», 2005